



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЎЗБЕК — ҚОЗОҚ: БИР-БИРИГА ЕЛКАДОШ ХАЛҚЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10-11 январь кунлари Қозоғистон Республикасида бўлиб, Президент Нурсултон Назарбоевнинг ўз вазифасини расман бажаришга киришишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.

Маълумки, 2005 йил 4 декабрь куни кўшни Қозоғистон Республикасида президент сайлови бўлиб ўтган эди. Бу курашда амалдаги Президент Нурсултон Назарбоев 91,02 фоиз овоз тўлаб, галаба қозонди.

2006 йилнинг 11 январь куни Остона шаҳрида янги сайланган Қозоғистон Президентининг инаугурация маросимида иштирок этиш учун турли мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли сиёсат ва жамоат арбоблари, Қозоғистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Н.Назарбоев ўзига ишонч билдирган Қозоғистон халқига, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий кузатувчиларга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов Қозоғистон раҳбари билан учрашиб, уни сайловда эришган галабаси билан самимий қутлади, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади. Н.Назарбоев юксак эътибор ва самимий табрик учун



мамлакатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

— Қозоғистон сизнинг раҳбарлигингизда улкан

ўзгаришларни бошдан кечирди, — деди Ислам Каримов. — Давлатга бошчилик қилиш жуда мураккаб ва катта масъули-

ят талаб этадиган вазифадир. Сайловдаги галабангиз Қозоғистон халқининг сизга бўлган юксак ишончидан далолат.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Қозоғистоннинг муваффақияти бизнинг ҳам муваффақияти-миз, Қозоғистоннинг му-

аммолари бизнинг ҳам муаммоларимиздир. Биз доим елкадош бўлиб келганмиз. Ҳамиша халқ билан бирга бўлишимизни, унинг ардоғида юришимизни тилайман.

— Дарҳақиқат, ўзбек ва қозоқ халқлари доимо бир-бирини суяб, бир-бирига таянч бўлиб келган, — деб таъкидлади Қозоғистон раҳбари. — Янги сайланган президент сифатида ўз вазифамни бажаришга киришар эканман, илк хорижий сафаримни Ўзбекистонга ташриф билан бошлашни мўлжалламоқдаман. Биз ҳамкорликда Марказий Осиёда интеграция жараёнларини янада ривожлантиришимиз лозим. Бу борада Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мўҳим аҳамиятга эга.

Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алмашар эканлар, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда бундан буён ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент-Остона-Тошкент.
Фарҳод ҚУРБОНБЕКОВ
олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу, Кириб келатган Қурбон ҳайити муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига энг самимий табрикларни йўллашдан мамнунман.

Ушбу муборак айёмнинг баракотлари нури остида Яратқандан барча мусулмонларга тинчлик, дўстлик ва тараққиёт йўлида улкан муваффақиятлар ато этишини сўрайман.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, муваффақият ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаган ҳолда ўзимнинг чуқур эҳтироملаримни яна бир бор изҳор этаман.

Ҳомед ҚАРЗАЙ,
Афғонистон Ислам Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Фаластин халқи, раҳбарияти ва шахсан ўз номидан самимий табрикларни йўллашдан мамнунман.

Ушбу айёмда қодир Аллоҳдан Сизнинг мамлакатингиз ва халқингиз ҳамда мусулмон умматига хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга яна бир бор сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик ва раванқ тилаган ҳолда ўз эгуз истакларимни изҳор этаман.

Маҳмуд АББОС,
Фаластин Миллий маъмурияти раиси,
Фаластин озодлик ташкилоти
Ижроия қўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ислам аҳли муборак Қурбон ҳайитини нишонлаётган ушбу онларда Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига фаровонлик, тараққиёт ва раванқ тилайман.

Ҳайитингиз муборак бўлсин,
Али Абдулла СОЛИХ,
Яман Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислам Абдуғаниевич, Сизни улуг байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан чин қалбидан табриклияман. Ушбу байрам бутун дунёда кенг нишонланиб, миллионлаб кишилар қалбида умид, меҳр-муҳаббат туйғулларни уйғотади ҳамда олий маънавий мақсадлар сари интилишга чорлайди.

Бу кунларда меҳрибонлик, саховат, қариндош ва яқинларга ҳурмат-эътибор, эҳтиёжмандларга муруват кўрсатиш, аждодлар руҳига эҳтиром каби халқларимизнинг тарихий анъаналари янада ёрқин намёнён бўлади.

Ислам динининг азалий маънавий бойлиги бугунги кунда ҳам давлатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва бирдамлик ҳамда кишилар ўртасидаги ўзаро ҳам-фириқликка хизмат қилади.

Муҳтарам Президент, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ҳамда ижтимоий тараққиёт тилайман.

Эҳтиром ила,
Муртазо РАҲИМОВ,
Бошқирдистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари! Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу, Сизни ва серқуёш диёримизнинг эркесвар фуқароларини қутлуг айём — Қурбон ҳайити билан ўзбекистонлик ҳожилар номидан чин дилдан муборакзод эта-миз.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ она-Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган мусулмонларга яратиб берилётган қулай шароит Сизнинг миллий ва диний қадриятларимизга кўрсатаётган оталарча гамхўрлигингиз намунаси. Юртимиз фуқаролари манфаатини қўлаб қўлаётган хайрли ишларингиз халқимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Аллоҳнинг инояти билан улуг ибодатни адо этиш бахтига мушарраф бўлган биз, ўзбекистонлик ҳожилар, Маккаи муқаррамадек муқаддас заминда туриб, Сиз раҳнамолик қилаётган мустақил юртимиз ҳамшира омон, элимиз тинч ва осойишта, турмушимиз фаровон бўлишини Яратқандан илтижо ила сўраб дуолар қилмоқдамиз.

Сиз, муҳтарам Президент Жанобларига, яна бир бор самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, Аллоҳ таолодан Сизни, халқимизни ва гўзал диёримизни ўз паноҳида асрашини тилаб қоламиз.

Ўзбекистонлик ҳожилар.
Мақо шаҳри, Арафот водийси
2006 йил 9 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиши яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Автобуслар парки изчил янгилашмоқда, сервис хизмати тармоғи ташкил этилган ва бу йўловчиларни ташкил этиш стандартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи ташишлар бўйича буюртмачи ва пудратчи вазибаларини аниқ белгилаш, йўловчи транспорт ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий бошқарув харажатларини камайтириш мақсадида:

1. "Тошшаҳарйўловчи-транс" акциядорлик компанияси Кенгашининг мазкур компанияни тугатиш тўғрисидаги қарори маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Тошшаҳарйўловчи-транс" АК негизда йўловчилар ташиш бўйича "Тошшаҳартранс" уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: "Тошшаҳартранс" уюшмаси Тошкент шаҳар йўловчи транспорт соҳасида ишлаётган хўжалик жамиятлари, давлат, хусусий ва бошқа ташкилотларни шартнома асосида бирлаштиради, ўз фаолиятини мустақил юридик шахс сифатида тўлиқ хўжалик ҳисоби таъминоти асосида амалга оширади; "Тошшаҳартранс" уюшмаси "Тошшаҳарйўлов-

читранс" АКнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ тугатилаётган компаниянинг акциядорлари олдидаги мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисоблансин; "Тошшаҳартранс" уюшмасига иловада қайд этилган тузилмалар кирадилар; 4. Куйидагилар йўловчилар ташиш бўйича "Тошшаҳартранс" уюшмасининг асосий вазибалари этиб белгилансин; аҳолининг шаҳар йўловчи транспорт хизматлари қўлаб қўлиниши шартининг йўл ҳаракати хавфсизлигининг юқори даражасига риоя этган ҳолда, йўналишларда бир маромда ва ишончли ҳаракатини таъминлаш;

транспорт корхоналари мулкчи, шу жумладан автотранспорт воситаларининг сақланиши ва улاردан мақсадли фойдаланиш устидан мониторинг олиб бориш, акциядорлик жамиятларига давлат активларини сотишда ёрдам кўрсатиш; мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча йўловчи ташишчилар шартнома асосида хизмат кўрсатувчи, шу жумладан таъмирнинг барча турлари ва ҳаракатдаги таркибни модернизация қилиш ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича транспорт инфратизимини ривожлантириш; йўловчиларни ташиш хизматларига бўлган талаб, иқтисодий асосланган харажатлар ва йўловчи транспортнинг рентабеллигини оширишдан келиб чиққан ҳолда, шаҳар йўловчи транспорт тарифларини

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3709-Фармони ижросини таъминлаш ҳамда мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер хўжалиқларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 августдаги Фармойишига асосан ташкил қилинган махсус комиссиянинг:

2006 йил биринчи чора-ғиди мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиқларига айлантириш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин; тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжалиқларига айлантириш ҳақидаги тақлифлари ва аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ кимос-

ди савдосида амалга оширилиши мумкин.

3. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси (Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг" ХК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

а) 2006 йил 20 мартга бўлган муддатда фермер хўжалиқларини ташкил қилишга давлоғарлар ўртасида ҳолис ва ошқора танлов, кимосиди савдолари ўтказишда жамоатчилик ҳамда фуқаролар йиғини вакилларини жалб этиб, ҳаққонийлик, очкилик ва ижтимоий адолат талабларига қатъий риоя қилган ҳолда қолибларнинг аниқ-ланишини таъминласин;

б) фермерларнинг шартномага асосан боғ ва узумзорлардан, шунингдек, ажратилган лимит бўйича сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятини олиш;

в) боғ ва узумзорларни сотиш тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативининг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ кимос-

Бевосита мулоқот БУГУН СИЗНИ СОҒЛИҚИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ЭШИТАДИ

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорини амалга ошириш тадбирлари, Ҳомийлар ва шифокорлар йилда тиббиёт ходимлари касб маҳоратини муттасил ошириш учун қандай омилларни ишга солиш мумкинлиги тўғрисида, соҳага оид Сизни қизиқтирган бошқа саволларингизга «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти томонидан ташкил этилган бевосита мулоқотда

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз НАЗИРОВ жавоб беради.
Бевосита мулоқот бугун соат 10.00 дан 12.00 гача 144-10-08, 144-15-81 телефонлари орқали ўтказилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

шакллантиришда қатнашиш; кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш. 5. "Тошхавтарансхизмат" уюшмаси автобус паркларининг давлат активларини хусусий мулк сифатида сотиш механизмни ишлаб чиқиш бўйича Ишчи комиссия ташкил этилсин. Ишчи комиссия бир ой мuddатда: 2006-2010 йиллар мобайнида "Тошавтобустранс" компанияси автобус паркларининг давлатга тегишли акциялар пакетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан жалб этилган хорижий кредитлар ҳисобига харид қилинган ав-

тобусларни, мулк қийматини баҳолаш, сотиш босқичлари, тўлов жадваллари ва инвесторларнинг давлат активларини сотиб олишдан манфаатдорлигини оширишга ёрдам берувчи механизмларни кўзда тутиб ҳолда, хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида; жаҳон таърибасини ўрганиш асосида, йўл ҳақи тўлашни соддалаштириш, маблағларни тўлиқ йиғиб олиш ва хизмат кўрсатишдан тушган пулни яширишдан иборат суйистемолликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, жамоат транспортида йўл ҳақини тўлаш тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқсин ва киритсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Транспортнинг барча турларини мувофиқлаштириш марказини Тошкент шаҳар ҳокимлигининг таркибий бўлими сифатида йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментига айлантириш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тақлифи маълумланган ва қуйидаги унинг асосий вазифалари этиб белгилансин: барча транспорт турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тармоғини тартибга солиш ва мақбул ҳолга келтириш, шаҳарда йўловчи ташувиш бўйича бюрократия вазифасини бажариш, лицензиялар бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда

йўловчи ташувиш йўналишларини қатъий тендер асосида белгилаш; рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барча йўловчи ташувишлар, шу жумладан хусусийлар учун транспорт хизматлари бозорида тенг шароит яратиш, жамоат транспорти иши натижаси ва самарадорлигини баҳолаш; шаҳар автобус ва электр транспортда йўловчи ташувиш бўйича чекланган тарифларни белгилаш юзасидан Тошкент шаҳри ҳокимлигига молия идоралари билан келишилган тақлифларни киритиш, уларга риоя этилишини назорат қилиш; Тошкент шаҳрида йўловчи ташувишнинг автоматлаштирилган бошқаруви тизимини жорий этиш, шу жумла-

дан ерусти йўловчи транспортда йўл ҳақи тўлаш ҳисоб-китоби тизимини автоматлаштириш ва шаҳар йўловчи транспорт ҳаракат йўналишларида назорат ўрнатиш. 7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги жамоат йўловчи транспортини қайта ташкил этиш ва ислоҳ қилиш бўйича мазкур Фармонда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда шаҳар транспортда йўловчи ташувиш тарифлари оширишнинг олдини олишга қаратилган барча

чораларни кўрсин. 8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда: "Тошхавтарансхизмат" уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор лойиҳасини киритсин; автобус парклари ва электр транспорт корхоналари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссия тузсин, уни ўтказиш мuddатлари, аттестациядан ўтадиган шахслар ҳамда хизмат вазифалари бажарилишини баҳолаш мезонларини белгиласин. 9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 январь.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

б) 2006 йил 15 апрелгача янги ташкил қилинадиган фермер хўжаликлари билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузишни ташкил қилсин ва уларда ишлаб чиқаришни камиди 30 фоизгача аванс билан таъминлаш кўзда тутилсин; в) ўн кунлик мuddатда тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ҳудудида тузилмадан ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектининг жойи ва уларни ташкил этиш мuddатлари белгилансин; г) ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш натижасида тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг бўшайдиган аъзоларини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин.

қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш; б) истеъмол спирти, ликер-ароқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш; в) ташкил ва ички бозорлар бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, корхоналарнинг янги турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришига ва ташқи бозорларга олиб чиқишига кўмаклашиш; г) тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилишга ёрдам бериш.

5. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган, ходимларнинг умумий сони 59 киши, жумладан, бошқарув ходимлари сони 41 киши этиб белгиланган "Ўзузумсаноат-холдинг" ЖШНнинг ташкилий тузилмаси ва ижроия аппарати тузилмаси тасдиқлансин. "Ўзузумсаноат-холдинг" ХК "Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг" ХКнинг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вазирлиқ деб белгилансин.

7. Белгилаб қўйилсинки: а) консерва саноати корхоналари ўз фаолиятини мустақил хўжалик субъектлари сифатида амалга оширадиган ва ихтиёрий равишда агросаноат фирмаси таркибига кириши мумкин; б) агросаноат фирмалари ва мустақил қайта ишлаш корхоналари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, техник қайта жиҳозлашга инвестициялар жалб этиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш,

ўз маҳсулотини экспорт қилиш учун вилоят даражасида ихтиёрий равишда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчилар уюшмаларига бirlaшиши мумкин; в) тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)нинг виночилик пунктлари, мол-мулк қиймати белгиланган тартибда қопланган ва тушган маблағлар тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкатининг) кредиторлик қарзларини тўлашга йўналтирилган ҳолда, "Ўзузумсаноат-холдинг" ХК виночилик корхоналари ихтиёрига ўтказилди.

қилиш борасида катта имкониятга эга бўлган энг истиқболли ҳудудларни камраб олган ҳолда, Мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш дастурини тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. 9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-Фармонида кўра, давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб: а) тугатилган ширкатлар негизда ташкил этилаётган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ағза ер солигини тўлашдан — 5 йил мuddатга; б) янги ташкил этилаётган агросаноат фирмалари даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшилган қиймат солиғи (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлови тўлашдан — 3 йил мuddатга озод этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 январь.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2006 йилда амалга ошириш лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЙИЛ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва аркиллаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молия ва ижро интизомини мустахкамлаш, хизмат турларини кўпайтириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини қайта қуриш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилгани таъкидланди.

ди. Бу эса жаҳонда давом этаётган тенденцияларга мос ва ҳамохандир. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида рақобатнинг кучайиб бораётгани туфайли Интернет тармоғи хизматидан фойдаланувчилар сони 855 мингтани ташкил қилди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги қарорининг ижроси таъкидланган нукта назардан таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбар ходимлар ушбу вазифаларни бажариш борасида маъсулиятни янада ошириши лозимлиги таъкидланди.

2005 йил натижалари бўйича 400,1 миллиард сўмлик, жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникациялар технологиялари соҳасида 374,1 миллиард сўмлик (2004 йилга нисбатан 132 фоизга ўсиш), ахборот ва матбуот соҳасида 26 миллиард сўмлик (аввалги йилдагига нисбатан 115 фоизга ўсиш) хизмат кўрсатилди. 78,7 миллион доллар миқдорда тўридан-тўри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Хисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 1150 мингга етди. Ушбу кўрсаткич 2004 йилнинг шу даврига нисбатан икки баравардан зиёдроққа ортди. Шу ўринда, таҳлиллар республикада мобил алоқа турун алоқага нисбатан тез суръатлар билан ривожланаётганини кўрсат-

Шунингдек, йиғилишда ижро интизомини мустахкамлаш, идоралар раҳбарларининг шахсий маъсулиятини ва жавобгарлигини ошириш, тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини яхшилаш, Инвестиция ҳамда хусусийлаштириш дастурининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмухамедов иштирок этди.

(ЎЗА).

БОЛАЛАР ЧИЗГАН ЭРТАКЛАР

Пойтахтимизда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилати — ШХТҲ аъзо давлатлар болаларининг "Болалар чизган эртақлар" мавзусида бадиий кўргазмаси яқунлади. Республика Миллий дизайн коллежидан ўтган мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. ШХТ давлатлари болаларининг ана шу мавзудаги расмлар кўрик-танлови ўтган йилги Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган эди. Танловда Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан беш миңдан зиёд ўғил-қиз чизган расмлар юборилганди. Улардан соғинган ва мукофотларга сазовор бўлган икки юздан ортиқ расм 2005 йил 1 июнь — Халқаро болаларнинг химоя қилиш кўни арафасида Пекин тасвирий санъат музейида намойиш этилди.

ликка яқини ўзбекистонлик болалар қаламига мансуб экани қувонарли. Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодининг пухта билими, ҳар томонлама етуқ ва баркамол шахс бўлиб вояга етиши борасида қилинаётган гамхурликнинг яна бир самарасидир. Энди "болалар чизган эртақлар" бадиий кўргазмаси ШХТҲ аъзо давлатларнинг пойтахтларига кўчмоқда. Турли миллат ёш истеъдодлари эртақлар мавзусида чизган асарларнинг Тошкентдаги намойиши рағбатлиги билан чинакам болалар иходиёти фестивалига айланди. Тадбир доирасида болалар иходий жамоаларининг концертлари, машҳур расомлар, санъатшунослар иштирокида маҳорат сабоқлари, суҳбатлар, учрашувлар, тасвирий санъат дарслари бўлиб ўтди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

Миллий қадриятларимизни асрайлик

ҚАЛБ ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСА

М. Саидовнинг "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди" сарлавҳали мақоласини ўқидим. Гапнинг тўғриси, бу мақола қалбимни жунбушга келтирди. Анча вақтлардан бери мени, нафақат мени, балки юртимиздаги барча зиёлиларни безовта қилаётган, ташвишга солаётган фикрларни муаллиф баён эттибди. Энг долзарб муаммо, шу кун ҳал этилмаса, эртага катта ўпирилишларни келтириб чиқарадиган масалаларни М. Саидов мисоллар, далиллар орқали ёритиб берган.

Дарҳақиқат, ўз қиёфаси, ўз сўзи, ўз фикри, ўз йўли йўқ эл, халқ ҳалокатга маҳкумдир. Юртобшимиз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб маънавият, маънавий тарбия масаласини кун тартибига қўйганларидан катта маъно бор. Эро, маънавияти йўқ миллатнинг келажаги йўқ. Келажақ ёшларнинг қўлида, деймиз. Демак, биз ёшларнинг маънавий тарбиясига асосий эътиборимизни қаратишимиз керак. Қай нарсанинг қўрғони бўлса, у тажовузолардан омон қолгай. Хўш, қалбнинг, онингнинг ҳам қўрғони борми? Агар бўлса, ул қўрғонни қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкин? Негаки, қалб, онг бузилса, инсон бузилади, инсоният бузилади. Шу боис бобоканлонларимиз қалбу онг тарбиясига асосий эътиборни қаратган. Дарвоқе, қалбу онгнинг ҳам қўрғони бор. У қўрғон МАЪНАВИЯТДИР, МАЪРИФАТДИР, ИЛМДИР. Мана шу уч қаватли, уч "ўрам"ли қўрғон билан

иҳоталанган ҚАЛБ, ОНГ тажовузолардан омон қолгай! Фарбдаги сийқа демократия тарафдорлари жимжадор сўзлар билан тавсиялаётган фаҳш (бир жинсдаги кишиларнинг никоҳланishi), беҳаёлик, маънавий тубанлик ва бошқа гоғлар МАЪНАВИЯТ ҚўРҒОНИ мустаҳкам кишига даҳл қила олмас. Фарбона худбинлик, ахлоқсизликнинг намуна сифатида, эталон сифатида тарғиб-ташвиқ қилиниши, ёшларнинг онгу қалбини эгалламоққа қаратилаётган хуруж, бу — миллатнинг келажагига тажовуз ҳисобланади. Олмон миллатининг буюк адиби, Ҳазрат Й. В. Гёте "Фарбу Шарқ девони" номили шох асариди хаё, вафодат бутун инсониятга намуна деб қуйидаги зотларни айтди: Фарҳоду Ширин, Лайлику Маъжун, Юсуфу Зулайхо, Сулаймону Билқис. Уларнинг вафо, хаёларига, садоқатига, мухаббатига Гёте хаёс қилди ва бутун фарбликларни мана шулардан ибрат олмаққа даъват қилади. Гёте учун хаё ва вафо намунаси бўлган буюк аждодларимиз турганда, биз кимдан намуна оламиз? Фарб фильмида кўрсатилган хар дақиқасида биттасини "севиб", севиб деган муқаддас, илоҳий туйғунни хирсга алмаштириётган, натижада на зурриёт, на келажаги бор беҳаёллар наҳотки бизга намуна бўлса?! Алҳазар, бундайлардан алҳазар!

Гёте XVIII асрдаёқ Фарбдаги маънавий таназзуллардан, тубанликлардан қочиб Туронзаминга хаёлан хижрат қилади. Бу фикримизга атоқли алломанинг "Фарбу Шарқ девони"даги "Кўп нарсага қўнғил моёби" ("Зулайхонома" боби) шеърини мисол бўла олади. Гёте учун хаё, вафо, эътиқод, илоҳ кўрғони Бухоро, Самарқанд бўлган. Туронзаминликлар одобу ахлоқларига у зоти шариф хаёс қилган. Ота-боболари самарқандлик бўлган Мирзо Беҳид хазратлари дейди:

Гову хар аз оғахи одам нахоҳад шуд, лек Одами гар андаке гоғил шавад хар мешавад. Яъни, эшак билан ҳўкиз оғоҳ бўлгани билан асло одам бўла олмас, лекин одамизот агар андак гафлатга қолса, хайвондан ҳам баттар бўлади. Дарҳақиқат, тўғри! Гоғиллик касофатидан СПИД, гиёҳвандлик, худбинлик каби иллатларга чалинган одамнинг даражаси хайвондан-да тубандир. Демак, биз ёшларни гафлатдан, гоғиллик касалидан эҳтиёт қилишимиз керак. Юртобшимизнинг: "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!" деган гоғларни замирида хар бир одам ўзини фарбдаги тажовузкорона гоғлардан ҳам сақланмиш учун масъулдир, деган ҳикмат бор. Хожагон-нақшбандия тарикатининг улғу пири муршиди Хожа Ориф Моҳитобон "Орифнома" китобларида ёздади: "Робияи Адвия ўз устоди Ҳасан Басрийга уч нарсани жўнатди. Булар шам, игна ва сочининг толаси эди. Ҳасан Басрий бу нарсаларни қуйидагича шарҳлади: "Инсон шамдай мулоим бўлсин. Қалбларни маънавият нури билан чарогон этсин. Игна парча-парча матоларни бир-бири-

га туташтиради. Инсониятнинг кийинтиради, лекин ўзи яланғоч, ўзи бетаъма. Инсон ҳам эларни эллар билан, миллатларни миллатлар билан, қалбларни қалблар билан дўст, қадрдон этсин, халққа беминнат, бетаъма хизмат қилсин. Сочининг толасида ҳикмат шуки, Аллоҳ таоло хузурига олиб борувчи йўл сонинг толаси каби ингичка, хушёр бўл, андак гафлатга ботсанг, тўғри дўзахга қараб қулайсан!" Комил инсон — элпарвар инсон. Халқига, элига беминнат хизмат қиладиган инсондир. Ота-боболаримиз, улғу пирларимиз, маънавий раҳнамоларни кўрсатиб берган йўлдан чалғисак — тамо! Дўзахга қулашимиз тайин! Бунини биз ваҳхобийлар, хизбут-тахрирчилар мисолида яққол кўрдик. Хожа Ориф дейдилар: "Худпараст бутпарастдан ёмондир!" Дарҳақиқат, Фарбдаги худпарастлик энг катта фожиаларга сабаб бўлаётгани сир эмас. Худпараст, худбин ҳеч қачон халқпарвар, элсевар бўла олмас. Ўзбеконга хаё, вафо, эътиқод, шаб ва матонат, келажақ ишон руҳини ёшлар онги ва қалбига сингдира олсак мурод ҳосил бўлади.

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ.



Эл олқиши — мукофот

Аҳмаджон аканинг автобус румини бошқараётганига 20 йилдан ошди. У шу давр мобайнида миңглаб инсонларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилди. Каттани ҳурмат, кичкинни иззат этиши туфайли эл-юрт орасида обрў топди. Ҳозирда у "Андижон омад транс" шўба корхонасига қарашли "Отоёул" автобусини бошқариб, ҳамшаҳарларига намунали хизмат кўрсатмоқда. СУРАТДА: Аҳмаджон Мадаминон йўналишга чиқиш олдидан уловини созламоқда. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ФЕРМЕР — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ЯРАТУВЧИСИ



Халқимиз азалдан ерни эъзозлаб келади. Чунки рўзгоримизнинг бутлиги, дастурхонимизнинг тўқинлиги шу замин тақдири билан боғлиқ экани бизга жуда яхши маълум. Йилнинг қай бир фасли бўлмасин, бозорларимиз расталари доимо турли ноз-неъматлар ила тўлиб туради. Бу ҳам она заминнинг سخоватидан. Биз эъзозлайдиган шу ернинг эртанги кунини албатта билимли, тажрибали, "ер билан сўзлаша оладиган" кишиларга ишониб топшириш учун ҳам айни кунларда жойларда танлов жараёнлари бўлиб ўтмоқда.

Танлов давом этапти... Кимдир мамнун, кимдир ўй-хаёлда. Начора, ҳамма ҳам фермер бўлмайди, ахир?!

Комиссия ва Жамоатчилик кенгаши аъзолари синовидан муваффақиятли ўтиб, фермер бўлганлардан бири Умаров дидир. — 80,5 балл тўпладим, — дейди у. — Рақобатчим мендан жуда катта фарқ билан, яъни 12 балл тўлаб мағлуб бўлди. 19-лойиҳа бўйича ғолиб деб топилдим. 353 минг сўм кредиторлик қарзлари борлиги аниқланди. Хўжаликка тегишли мол-мулк баҳоси эса 1 миллиард 134 миллион 480 миң сўмдан ошди, қарздорлик маълум бўлди. Талабгорларга келсак, 39 та лойиҳа бўйича улардан 100 та ариза келиб тушган экан. 9 та лойиҳа эса фермер хўжаликларига ер майдонини кенгайтириш учун кўйилибди. Лекин ҳозиргача улардан 6 та-сига бирорта ҳам ариза келиб

Танловда ер ҳақиқий эгасини топапти, — дейди Жамоатчилик кенгаши аъзоси Фуломжон ота Тўев. — Биз комиссия аъзолари ишини кузатиб, зарур бўлганда маслаҳатларимизни бераёلمиз. Ер олганларга ҳозирча эътироз бўлгани йўқ. Чунки ютказганлар ҳам рақибларининг устун келганини кўриб-билиб туришибди.

Етмиш ёшни қоралаб қолган Фуломжон ота ҳам тажрибали деҳқонлар, қишлоқ оқсоқоллари ва фаоллари, меҳнат фахрийларидан иборат Жамоатчилик кенгаши ишига юқори баҳо берди. — Илгари айрим комиссиялар ер ажратишда таниш-билишчилик ва ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйганларидан телевидение, радио ёки газеталар орқали хабардор бўлиб турардик, — дейди у. — Шунинг учун бу галги танловларда ҳам ноҳақликлар бўлмасмикин деган хавотиримиз бор эди. Яхшики, ҳозиргача бундай ноўрин ишлар кузатилмади. Чунки — Жамоатчилик кенгаши аъзолари қаттиқ туришибди-да. Танловда фермерлик ҳуқуқини қўлга киритганлар эса муносиб-ларнинг муносибидир. Улар эртага ер эгаси сифатида юрт равнақи, аҳоли фаровонлиги йўлида ғайрат-шижоат кўрсатишларига ишончимиз комил.

Шавкат Ортиқов, "Халқ сўзи" мухбири. Маннон Отабой, журналист.

талабгор ариза берган. Биринчи ва иккинчи босқич яқунлариға кўра, 60 киши танловда қатнашиб ҳуқуқини қўлга киритди. — Охунбобоев номили ширкат хўжалигининг мавжуд қарзи 168 миллион сўм бўлиб, унинг 98 миллион сўми 30 та лойиҳа бўйича ташкил этиладиган фермер хўжаликлариға тақсимланади, — дейди қайта ташкил этиш комис-

Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала

сияси қотиби Бако Вафоев. — Бу қарздорликни қайтариш юзасидан чора-тадбирлар олиб бориладиганини натижасидир. Айтайлик, мавжуд боғ ва тоқзорлар ширкат хўжалиги балансида 30 миллион сўмға баҳоланган бўлса, "ким-ошиди" савдолари орқали у 86 миллион сўмға сотилди. Шунинг ўзидан 50 миллион сўм қарздорлик қайтарилиди. Бундан ташқари, кўчмас мулклар ҳисобидан ҳам 60 миллион сўм атрофида маблағ олиш кутилмоқда. 298 миллион сўмлик техника воситалари эса муқобил МТП тасарруфиға ўтади.

— Шу хўжаликнинг 14-лойиҳасига киритилган 28 гектар ерга эгалик қилиш учун ариза бергандим, — дейди ўзини Соҳиб Хайруллаев деб таништирган талабгорлардан бири. — Биринчи ва иккинчи босқичдан кейин танловда 2 киши қатнашди. Мен 62 балл тўпладим. Бунда қишлоқ хўжалигида кўп йиллар меҳнат қилганим, ихтиёрийдаги техника воситалари ва бошқа имкониятларим борлиги инобатта олинди-да. Насиб этса, сўнги босқичда ҳам ғолиб бўлиш ниятидаман.

— Мен 11-лойиҳа бўйича ариза берганман, — дейди Завқидин Аслонов. — 26,5 гектар ер

тушмагани бизни таажублантирди.

— Нега шундай бўлди? — сўраймиз комиссия раиси Абдурахмон Шариповдан. — Биласизми, ушбу 6 лойиҳаларнинг ери кичик — ўртача 1, 2 гектардан тўғри келади, — изоҳ беради у. — Қолаверса, туман марказидан деярли 50 километр узоқликда, чўл ҳудудда жойлашган. Шунинг учун талабгорлар ариза беришға ўйлиб қилишди шекилли. Аммо, ишончим комилки, тез кунда, янги танлов жараёнида бу лойиҳалар ҳам ўз эгасини топади.

Бизни хурсанд қилган жиҳат шуки, бир лойиҳаға уч киши талабгор бўлса, уларнинг ҳаммаси Низом талабларига тўлиқ жавоб бера олади: ернинг тилини тушунадиган, оқил, тадбирли инсонлар. Шунинг учун сўнги сўзни Жамоатчилик кенгаши аъзолариға бераёلمиз. Эеро, шу маҳалла, шу хўжаликда яшаб, меҳнат қилаётган инсонларни улардан кўра яхшироқ билади-да ҳам, 23 нафар кишидан иборат комиссия, 5 нафардан иборат Жамоатчилик кенгаши аъзолари бугун зиммаларида катта масъулият турганини чуқур хис этишяпти.



ЭЗГУ ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

Ватанимизнинг бош майдони йилдан-йил кўрку чирой очиб, ажиб манзара касб этмоқда. Унга туташ "Туркистон" саройи йирик тадбирлар ўтказиладиган асосий мажмуалардан бириға айланган бўлса, истиқлол ва миллий давлатчилигимизнинг яна бир рамзи — Сенат биноси майдондаги улугворликни янада оширди. Хотира ва Қадрлаш майдони ҳам худди шу ерда жойлашган.

Буларнинг барчаси Мустиқиллик майдониға келган ҳар бир ватандошимиз қалбида истиқлол гоғларига садоқат, Ватанимизнинг порлоқ келажиги йўлида фидойилик, аждодлар руҳига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини жўш урдириши аниқ.

2005 йилда ҳам Мустиқиллик майдонида қатор бунёдкорлик ишлари амалға оширилди. Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан майдонға кираверишда Эзгулик аркаси барпо этилди. Кундузи офтобда, қош қорайганда эса беҳисоб чирокларнинг нурларида жилоланидиган музаейан устунлар, уларнинг устидаги лайлағу турналар, Мустиқиллик монументи сари бошловчи оппоқ мраммар йўлак дилларда эзгу туйғуларни уйғотади.

Эзгулик аркасининг очилишида мамлакатимиз раҳбари яна бир олижаноб таклифни илга-

ри сурган эди. Майдонға келган ҳамюртларимиз, айниқса, мустиқил ҳаётға кадам қўяётган ёшларимиз мана шу аркадан ўтиб, оппоқ йўлакдан кадам ташлаб, бир мўтабар сиймо олдиға борсалар, ҳаяжон ва севинчға тўла қалблардан яна бир бор эзгу орзу-истакларини ўтказсалар, ўзларига бахт, Ватаниға гуллаб-яшнашни тиласалар...

Янги йил арафасида Мустиқиллик майдонида ана шундай монумент очилди. Унинг очилишида Президент Ислам Каримов Бахтиёр она хайкалининг Мустиқиллик монументи олдиға ўрнатилишида алоҳида рамзий маъно борлигини таъкидлади. Мустиқил, ўз истиқлолини ҳимоя қилиш ва мустақамлашға қодир халқ бахтли бўлишға ҳаққидир. Мамлакатимиз раҳбари бу мажмуани Мустиқиллик ва эзгулик монументи деб аташни

таклиф этди. Янги — 2006 йил тантаналари давом этаётган шу кунларда мамлакатимизнинг бош майдони янада гавжумлашган. Айниқса, мустиқил ҳаётға энди кадам қўяётган ёш келин-куёвлар учун бу айём қўшалок байрамға айланган. Улар Эзгулик аркасидан ўтиб, оппоқ йўлақлардан Мустиқиллик ва эзгулик монументи сари одимлайдилар, унинг пойига гуллар қўядилар. Ўзларига, ўзгаларға бахт, элу юртимизға омонлик, хотиржамлик тилайдилар. Янги йил, янги ҳаёт, янги оила, янги эзгу туйғулар...

Ушбу табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, авваламбор, ёшларимиз учун мўтабар кадамжо бўлиб қолишиға ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳға айланади, деб умид қиламан, деган эди Президентимиз.

Бугун Мустиқиллик майдониға таширф буюрган киши давлатимиз раҳбарининг яна бир эзгу орзу-си амалда ижобатини топганиға гувоҳ бўлади. Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири. Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

IFC ТАДҚИҚОТЛАРИ

Янги йил арафасида Халқаро молия корпорацияси (IFC) "Ўзбекистондаги тадбиркорлик муҳити — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар нигоҳида" деб номланган йиллик ҳисоботни эълон қилди.

Мазкур ҳисобот ХМКнинг "Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаси" асосида тайёрланган бўлиб, унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган 3000 тадбиркорнинг фикрлари баён этилган.

Ҳисобот икки қисмдан иборат. Биринчисида, кичик бизнес субъектлари олдида турган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар акс этган бўлса, иккинчиси давлат рўйхатидан ўтиш, текширув ва ҳисоботлар механизмлари, ташқи савдо операциялари, шунингдек, стандартлаштириш, сертификатлаш тизимига бағишланган.

Лойиҳа раҳбари Зафар Ҳошимовнинг сўзларига қараганда, республика ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришға қаратилган қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Соидолим ХАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



Ўзбекистондаги энг кенг GSM тармоғига уланинг!

Абонент тўлови - **\$0,11** (кунига)

Тармоқ ичида чиқувчи алоқа - **\$0,03** (1 дақиқа учун)

Тармоқ ичида кирувчи алоқа - **БЕПУЛ!!!**

Ўзбекистон бўйича алоқа - **\$0,06** (1 дақиқа учун)

Уланишда олдиндан тўлов - **\$8**



"МТС - КОМПАНИЯ"

«Компания»ға аъзо бўлинг!

Абонент тўлови - **\$30** (ойиға)

Барча кирувчи қўнғироқлар - **БЕПУЛ!!!**

Ўзбекистон бўйича чиқувчи алоқа - **\$0,06** (1 дақиқа учун)

Тармоқ ичида чиқувчи алоқа - **\$0,03** (1 дақиқа учун)

Уланишда олдиндан тўлов - **\$8**

"МТС - OPEN"

Доимий тараққиётға кўшилинг!

Тармоқ кенгайтириш давом этмоқда! Қўшимча янги база станциялари: Тошкентда, Тошкент вилоятида (ш/х Гулистон), Сурхондарё вилоятида (Денов), Самарқанд вилоятида (Октепа, Нуробод) ишға тушди.

«Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро роуминг хизмати Ҳиндистонда (BSNL), Мисрда (Mobinil) ва Сурияда (Spasetel) ишға тушди.

«Уздунробита» компанияси абонентлари учун Туркияда (Avea, Turkcell, Telesim) ва Молдовада (Voxtel) халқаро роуминг хизмати учун янги тарифлари амалға киритилди.

Нархларға барча солиқлар киритилган. Хизматлар лицензияланган.

Тўловлар сўмда УЎРМБнинг тўлов кундаги курс бўйича амалға оширилади. www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz



РУСТАМНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Шахмат бўйича 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов янги йилни ғалаба билан бошлади. Эстония пойтахти Таллин шахрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда у юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Нуфузли турнирнинг саралаш босқичида эплик нафар шахматчи донна сурди. Улардан ўн нафари мўсабақа финалида ғолиблик учун куч синашди. Мўсабақада тўқиз имкониятдан еттидан очко жамғарган у гротмейстер — Рустам Қосимжонов, 12-жаҳон чемпиони Анатолий Карпов (Россия) ҳамда Украина вакили Василий Иванчук биринчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда етти имкониятдан 5,5 очко жамғарган латвиялик шахматчи Ильзе Берзиня ғалаба қозонди.

Эҳтир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДИ БЎЙИЧА ПРОТЕЗ КОРХОНАЛАРИНИ ТЕНДЕР ТАНЛОВИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Танловда иштирок этиш истаги бўлган протез корхоналари вазириликнинг танлов комиссиясига қуйидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:

- таклиф қилинаётган протез маҳсулотларининг сифат-мувофиқлик сертификати;
- маҳсулотларнинг гигиеник сертификати;
- ишлаб чиқариш қуввати ва корхона моддий-техника базаси ҳақида маълумот;
- протез-ортопедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник шарт-шароитлари;
- маҳсулот турлари ва нархи;
- таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг лаборатория ва клиник текшируви ҳулосалари.

Маълумотлар эълон чиққан кундан бошлаб, икки ҳафта мuddат ичида қабул қилинади. Тақдим қилинадиган барча ҳужжатлар икки нусxada, ёпиқ холда, муҳрланган папкаларда қабул қилинади. Икки ҳафта мuddат тугагандан сўнг тендер танловида иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар қабул қилинмайди. Тендер танловиға талаб қилинадиган ҳужжатларни тўлиқ тақдим қилган корхонанинг протез маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятлари ва шароитлари, тендер комиссияси аъзолари томонидан, жойиға чиқиб, ўрганиб чиқилади ва натижалари тендер танлови йиғилишининг муҳокамасига киритилади.

Протез корхоналари талаб қилинган ҳужжатларни тендер комиссиясига тўлиқ тақдим қилганларидан сўнг тендерда қатнашиш ҳуқуқиға эға бўлади.

Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати тугагандан сўнг танлов ўтказиш куни белгиланади.

Қўшимча маълумотлар учун вазириликка 139-88-44, 139-88-33 телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 20-А ўй.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

БУ ЕРДА УЧУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

осмонимиз сарҳадларини қўриқлаш масъулияти улар зиммасида

Гап Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти ҳақида. 1994 йилда фаолиятини бошлаган билим юрти ҳозиргача минг нафардан зиёд авиация мутахассислари тайёрлади. Айни пайтда улар Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва бўлимларида Ватанимизни ҳимоя қилишдек олижаноб бурчларини аъло даражада бажаришмоқда.

Қорақўл туманидан келган Ихтиёр Ҳасанов кетма-кет икки йил Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртига ҳужжат топширди. Кирилмади. Уйидагилар уни ахдидан қайтаришмоқчи, тендошлари қатори ҳарбий хизматга бориб-келишга кўндирмоқчи бўлишди. Унамади. Учувчи амакиси Дада-хон Ҳасанов унинг ёнини олди. Кириш имтиҳонларига тайёрланишига, жисмоний чиниқишига ёрдам берди. Ва ниҳоят, Ихтиёр курсант бўлди!

— Ҳозир муҳандислик факультетининг 5-босқичида тахсил оляман. Авиация хизматига бўйича муҳандис бўламан, — дейди курсант И. Ҳасанов. — Азалдан учиб аппаратларни тобора ихчамроқ, энгирок қилиб бориш соҳа мутахассисларининг доимий эътиборида бўлиб келган. Мураккаб аппаратларни самодиагностика учун эса ўта аниқлик талаб этилади. Мен ҳам айнан шу мавзуда курс иши ёзаяман. Курсант дўстларим хоразмлик Дилшод Худойбергандон, Самарқанд вилоятидан Жаҳонгир Узоқов, Жиззах шаҳридан Зафар Раҳмоновлар билан олиб бораётган бу каби изланишларимиз Ватан ҳимоясини мустақамлайдиган ишончли, тақомиллашган, за-

монавий самолётлар ишлаб чиқаришда кўл келса ажабмас.

Мана шу сўзларнинг ўзи Ўрта Осиёда ягона бўлган Олий ҳарбий авиация билим юртининг Куролли Кучлари-миздаги ўрни, курсантларнинг бу даргоҳда оладиган билимлари савиясининг нақадар юксак даражада бўлиши лозимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Яқинда билим юртига хушхабар келди. Ўтган йилги битирувчи лейтенантлардан Эндор Матқонов, Улғубек Раимқуллов, Жамшид Ражабовлар мустақил равишда ўқини бошлашди.

Кўз тегмасин, билим юртида бундай қувончли онлар кўп. Дастлабки битирувчиларнинг кўпчилиги авиация командири, етук мутахассислар бўлиб етишган. Муддатидан олдин майор унвонига сазовор бўлган Отабек Камолов, зveno командири Сергей Харламов, капитан Шерали Чориев, учувчи-инструктор Евгений Блинов каби ўнлаб собик курсантлар «Жасорат» медали билан тақдирланиб улгуришди. Билим юрти офицер ва прапорщиклари орасида II даражали «Шуҳрат», «Жасорат» медаллари-га сазовор бўлганлари бор. Подполковник Абдуҳаким

Мингбоев билим юрти ташкил этилганидан буён шу жамоада меҳнат қилди. Вертолётни бошқариш кафедрасида ҳаво навигацияси фанидан дарс беради. Устознинг таъкидлашича, билим юртига «минг чиғирқидан ўтиб» кирган курсантларнинг таълим олишга, учувчилик сирларини ўрганишга иштиёқлари баланд.

Айтишларича, таълим жараёнида ҳалиям рус тилини билиш, инглиз тилидаги кўплаб атамаларни ўрганишга тўғри келаркан. Негаки, авиация соҳасининг тарихи, бу борадаги барча ўқув қўлланмалари шу тиллар билан бўлади. Дарсонларнинг тўла компьютерлаштирилиши, ўқув ва моддий техника базасининг мунтазам мустаҳкамлаб борилаётгани таълим жараёнида катта қулайликлар туғдирмақда.

Метеорология хизмати бошлиғи — вертолётни бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси майор Олимжон Худоев ҳарбий авиация учун ўзбек тилида иккита ўқув қўлланмаси ёзгани қувончли воқеа бўлди. Парвоз хавфсизлигини метеорологик жиҳатдан таъминлаш масалаларига бағишланган ҳамда парвозни бошқариш раҳбарлари, авиадиспетчерлар, инженер-сипониклар ва учувчилар тарихи учун «Об-ҳаво разведкасини ўтказиш методикаси» деб номланган ўқув қўлланмалари ўзбек авиациясида кенг фойдаланилмоқда.

Билим юрти шахсий таркибидаги илмий ишлар, изланишлар ҳақида гап кетганда майор О. Худоев курсантлардан Шухрат Раҳмонов, Хусниддин Юсупов, Умар Ваисовлар интеллектуал қобилияти юқорилиги билан бошқалардан ажралиб туришини айтиб, уларнинг ўзбек ҳарбий авиациясининг илми, ташаббускор мутахассислари бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Шу кунларда Жиззах Олий Ҳарбий авиация билим юрти талабалари Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказилаётган ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича II умумҳарбий ўйинларга тайёргарлик кўришмоқда. Ҳар бир ички мусобақаларда маҳоратларини ошириб, кучлилар сафида бўлишни орзу қилишяпти. Жаҳон андозаларига мос замонавий спорт мажмуи, тренажёрлар улар хизматига.

Дам олиш кунлари факультетлар ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» қўриқ-танловини ўтказиш оdat тусига кирган. Билим юртининг «Қувноқ эскидрилли» жамоаси республика Куролли Кучлар жамоалари ўртасида доимо ғолиблар сафидан ўрин олиб келаётир.

Ҳаммасидан ҳам курсантларга ўзларининг «Олтин қанот-лари ёқди. Ўқув-амалий машғулотлардан сўнг бадий маҳоратларини намойиш этишмоқда. Кунни кеча ёғи биатлон бўйича вилоят ҳокими соврини учун уюштирилган беллашувнинг биринчи босқичида мингдан ортиқ ёшлар иштирок этишди. Бу, бежиз эмас. Чунки, бугунга келиб, вилоятда техник ва амалий спортнинг кўплаб турлари қатори ёғи биатлон кенг оммалашган. У билан шуғулланаётган йигит-қизлар турли даражадаги мусобақаларда юқори курсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Масалан, чуслик

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Қамалиддин ТУРАЕВ олган сурат.

Аскарлар билан мулоқот

Наманган автомобиль мактабида ўтказилган «Миллий армиямиз Ватанимиз тинчлигининг мустақам қанолати» мавзусидаги илмий-амалий анжуман умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларидан таширф буюрган чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари, ҳарбий хизматни ўтаётган аскар ва сержантлар ҳамда чақирқиқ ёшдаги йигитларнинг чинакам мулоқотига айланиб кетди.

Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят Кенгашининг оммавий ватанпарварлик ойлиги муносабати билан белгиланган дастурда бу сингари тадбирлар анчагина. Жумладан, жойларда спортнинг техник-амалий турлари бўйича ташкил этилаётган мусобақаларда йигит-қизлар маҳоратларини намойиш этишмоқда. Кунни кеча ёғи биатлон бўйича вилоят ҳокими соврини учун уюштирилган беллашувнинг биринчи босқичида мингдан ортиқ ёшлар иштирок этишди. Бу, бежиз эмас. Чунки, бугунга келиб, вилоятда техник ва амалий спортнинг кўплаб турлари қатори ёғи биатлон кенг оммалашган. У билан шуғулланаётган йигит-қизлар турли даражадаги мусобақаларда юқори курсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Масалан, чуслик

Мурод Хожиев ўтган йил сентябрда Финляндияда ўтказилган жаҳон биринчилигида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Айни пайтда «Ватанпарвар»нинг вилоят кенгаши қошида фаолият кўрсатаётган 1300 дан ортиқ спорт секция ва тўғарақларига ўттиз мингдан ортиқ ёшлар жалб этилган. Улар жисмоний етуқлик машқлари билан муттасил шуғулланиш баробарида ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрланиш жараёнини ҳам ўтамоқдалар. Бу оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида ўтказилаётган мусобақаларда ҳам ўз аксини топаётир.

Ватан ҳимоячилари куни олдида маҳаллаларда, ҳарбий қисмлар ва ўқув юртиларида ташкил этган тадбирларимиз, айниқса, эсда қоладиган бўлди, — дейди «Ватанпарвар»нинг вилоят кенгаши раиси Зокиржон Бойхонов. — Кекса авлоднинг ёшлар билан мулоқоти тарзида ташкил этилган бу учрашуварда ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳақида гап борди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Миллий армиямиз — фахримиз, ғуруримиз

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Республика Давлат болалар кутубхонасида ўтказилган тадбир шундай номланди. Унда Марказий офицерлар уйи ҳарбийлари ва пойтахтимиздаги маҳаллалар фаоллари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.



Бугунги тинч-омон кунларимизга доимо шуқрона қилиб яшашимиз керак, — дейди «Оқибат» маҳалласи раиси Зухра опа Аъзамхўжаева. — Бизнинг ёшлик йилларимиз кийинчилик, уруш йилларига тўғри келган. Биринчи навбатда биз кексалар, ёшлар онига ватанпарварлик туйғуларини сингдириш даврининг унган талаби эканлигини доимо ҳис этиб турмоғимиз лозим.

Ҳазор мулоқот тарзида ўтказилган тадбир довомида Марказий офицерлар уйи ҳарбийлари ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтариб, аскарлар ҳаётидан қизиқарили воқеалар билан муқофотланди. Йилнинг «Энг яхши шартнома асосида хизматчиси» деган шарафли номига сазовор бўлди.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

ҲАРБИЙЛАР СУЛОЛАСИ

Файзиевлар сулоласини Зангиота туманида кўпчилик яхши билади. Бу оиладан бир йўла беш ҳарбий етишиб чиққан. Катта сержант Эркин Файзиев оиланинг ўртанча фарзанди.

Мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида хизмат қилаётган акаларимга доимо ҳавас қилиб келганман. Баъзида уларнинг либосини яширинча кийиб ҳам кўрадим, — дейди Эркин ака.

— Шу-шу, мақсадларим сари интилиб, ҳарбий касб эгаси бўлишга қарор қилдим. Укаларим — Ҳаёт ва Баҳром ҳам шу йўлни танладим.

Айни пайтда Эркин Файзиев Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда назоратчилар гуруҳининг командири вазифасида хизмат қилади. Мазкур қўшин бошқармаси раҳбарларининг таъкидлашича, Э.Файзиев тажрибали ва талабчан, ўз вазифасига сидқидилдан,

масъулият билан ёндашади. Шундан у командирлик қилаётган гуруҳдаги тартиб-интизомга ҳавас қилса арзийди.

Берилган топшириқларни ўз вақтида кўнгилдагидек бажариб келганидан вазирлик, қўмондонлик томонидан бир неча бор фахрий ёрлик ва кимматлиқ совғалар билан муқофотланди. Йилнинг «Энг яхши шартнома асосида хизматчиси» деган шарафли номига сазовор бўлди.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини миҳозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзили: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 8-Март кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун куйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ СОТАДИ:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОФИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Телефонлар: (99871) 137-10-51, 137-20-76, 137-20-04, 634-64-21

AKKУМУЛЯТОРЛАР

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан янги машиналар келтирилади.

Улғуржи (вақанан) савдо қилиш филиаллари манзиллари: Наманган ш., «Дўстлик» шоҳқўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60. Андижон ш., «Миршўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88. Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06. Термиз ш., Ч.Сафаров к., 60-уй. Тел.: (37622) 2-45-65.

МАНЗАРАЛИ ДАРАҲТ, АРЧА ҚУЧАТЛАРИНИ ЭКИБ ҲОВЛИГИЗНИ БЕЗАМОҚЧИМИСIZ?

МАРҲАМАТ, АРЗОН НАРХЛАРДА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚРОДА СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МҮМКИН:

1. СОСНА — 40 000 ДОНА
2. МОЖЕКВЕЛЬНИК — 35 000 ДОНА
3. КИПАРИС — 1 500 ДОНА
4. ТУЙЯ — 10 000 ДОНА.

Манзил: Термиз шаҳри, Пахтакор кўчаси, 13-уй. Телефонлар: (8-376-22) 4-95-87, 4-80-26, 3-65-34, 7-24-15.

Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти, Давлат муқофоти совриндори Турғун Азизова рафиқаси

Роза АЗИЗОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Савдо ва тижоратга қўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки бошқаруви ва жамоаси банкнинг Департамент директори Маҳаммаджон Акрамовга онаси

Озода АКРАМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Азиз ҳамюртлар!

МАБЛАҒИНГИЗНИ ЯНАДА КўПАЙТИРИШНИ ИСТАЙСIZМИ?

«ПАХТА-БАНК»

Ҳарбий йилнинг 9 январидан бошлаб 10 февралгача беш ичр таблагларингизни янги, қўлай ва манфаатли бўлган «Қувноқ» муқддатли омонатига қабул қилади.

Ҳисбу омонатининг саклаш муқддати — 6 (олти) ой бўлиб, ҳар ойда йиллик 36 фоиз миқдорда даромад тўланади!

Бошланғич бадал миқдори — 100 минг сўм!

Омонатга қўйган маблагларингиз Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш» фонди томонидан кафолатланган!

Банк хизматиини танлаганда адашманг! Омонатингизни ишонгли асраймиз ва кўпайтирамиз!

ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамшед Тоғасев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинади.

Т — Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўдошева. Навбатчи — Ш. Ортиқов. Мусавҳаҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Тоширилди — 01.10 23456